

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Давлат активларини бошқариш
агентлиги Андижон вилоят
худудий бошқармаси бошлиғи,
Танлов комиссияси раиси




_____ О. Алимжанов

“ 10 ” 06 2022 йил

Давлат активларини бошқариш агентлиги Андижон вилоят худудий бошқармаси томонидан ўтказиладиган давлат активлари жумладан, корхоналардаги давлат улушлари, бўш турган давлат мулки объектлари ва сотилиши белгиланган ер майдонлари тўғрисида тадбиркорлар ва инвесторлар учун “Roadshow” (такдимот) ўтказилиши муносабати билан, ўтказиладиган тадбир учун ташкилотни танлаш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

БУЮРТМАЧИ: Давлат активларини бошқариш агентлиги Андижон вилояти худудий бошқармаси

Андижон-2022

Давлат активларини бошқариш агентлиги Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан ўтказиладиган давлат активлари жумладан, корхоналардаги давлат улушлари, бўш турган давлат мулки объектлари ва сотилиши белгиланган ер майдонлари тўғрисида тадбиркорлар ва инвесторлар учун “Roadshow” (такдимот) ўтказилиши муносабати билан, ўтказиладиган тадбир учун ташкилотни танлаш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий талаблар (основные требования)	Асосий маълумот ва талаблар (основная информация и требования)
1.	Бюртмачи (заказчик)	Давлат активларини бошқариш агентлиги Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси
2.	Тўлов шартлари (условия оплаты)	30% олдиндан тўлов томонлар томонидан шартнома имзоланган ва шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинганидан кейин 10 кун ичида амалга оширилади. (30% предоплата производится в течении 10 дней после подписания договора сторонами и регистрации договора в Казначействе МФ РУз)
3.	Тўлов валютаси (валюта платежа)	Миллий валюта – сўм (сум)
4.	Хизмат кўрсатиш шартлари (условия оказания услуг)	Техник топшириқлар миждознинг манзилида амалга оширилиш лозим. (согласно техническому заданию, по адресу Заказчика)
5.	Ўтказиб бериш вақти (срок поставки)	2022 йил июн ойи
6.	Молиялаштириш манбаи (источник финансирования)	Бюджетдан ташқари
7.	Танлов шартлари (условия выбора)	Иловада кўрсатилган барча шартларнинг бажарилиши.

“Roadshow” (тақдимот) ўтказилиши муносабати билан, ўтказиладиган тадбир хизмати учун бажариладиган ишлар учун
ИЛОВА № 1

Андижон шаҳри


2022-йил “10” 06

1. Кўрсатиладиган иш ва хизматлар қуйидагилардан иборат.

№	Иш ва хизмат номи	Ўлчов бирлиги	Сони
1	Панно 980x430 см	дона	2
2	Панно 600x310 см (рекали 4,5x3 см)	дона	2
3	Панно 310x210 см (рекали 4,5x3 см)	дона	1
4	Панно 310x680 см (рекали 4,5x3 см)	дона	1
5	Панно 300x580 см (рекали 4,5x3 см)	дона	1
6	Панно 300x610 см (рекали 4,5x3 см)	дона	1
7	Панно 120x250 см (рекали 4,5x3 см бир томонлама)	дона	14
8	Панно 120x250 см (рекали 4,5x3 см)	дона	28
9	Холл безаги	дона	1
10	Электрон дизайн (паноларни электрон тайёрлаш хизмати)	дона	50
11	Панноларни курсатилган жойларга ўрнатиш учун(вишка) хизмати	комп	1
12	Панноларни кўрсатилган жойларга ўрнатиш учун кўрсатиладиган хизмат (6 киши 2 кун)	комп	1
13	Лед экран (3*6м)	комп	1
14	Меҳмонлар учун кофе ва ширинликлар тайёрлаш (Coffee break)	комп	1

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Давлат активларини бошқариш
агентлиги Андижон вилоят
худудий бошқармаси бошлиғи,
Танлов комиссияси раиси




_____ О. Алимжанов

“ 10 ” 06 _____ 2022 йил

Давлат активларини бошқариш агентлиги Андижон вилоят худудий бошқармаси томонидан ўтказиладиган давлат активлари жумладан, корхоналардаги давлат улушлари, бўш турган давлат мулки объектлари ва сотилиши белгиланган ер майдонлари тўғрисида тадбиркорлар ва инвесторлар учун “Roadshow” (тақдимот) ўтказилиши муносабати билан, ўтказиладиган тадбир учун ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ: Давлат активларини бошқариш агентлиги Андижон вилояти худудий бошқармаси

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАҲЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Товар ва хизматларинг характеристикаси

№	Номи	миқдори
1	Давлат активларини бошқариш агентлиги Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан ўтказиладиган давлат активлари жумладан, корхоналардаги давлат улушлари, бўш турган давлат мулки объектлари ва сотилиши белгиланган ер майдонлари тўғрисида тадбиркорлар ва инвесторлар учун "Roadshow" (тақдимот)	1

1.2. Танлов қиймати 50 000 000 (эллик миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Кўсатиладиган хизмат бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 календар кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Давлат активларини бошқариш агентлиги Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси (бундан кейин «Буюртмачи» деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

«Буюртмачи» манзили: Андижон шаҳар А.Навоийшоҳ кўчаси 126-уй

2.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов «Буюртмачи» томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 3 фоизи миқдоридаги зақолат маблағларининг, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва вақолатлар;

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок

этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар «БУЮРТМАЧИ» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кўра ўзбек тили ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, «БУЮРТМАЧИ» томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак.
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар таркиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган

муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қодаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртномасига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қодаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.